Ta’limga e’tibor — kelajakka e’tibor

MA’RIFAT OLAMI

Ma’rifat va ta’lim

Ijtimoiy, madaniy-ma’rifiy, ta’limga ixtisoslashgan gazeta

E-mail: marifatvatalim.gazetasi@bk.ru

2022-yil 21-yanvar, juma 2-son (28)

Мусоҳаба

ТАРЖИМАНИНГ БУЮК ҚУДРАТИ

Атоқли таржимон, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон санъат арбоби Иброҳим Ғафуров билан таржимашунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Султонмурод Олим суҳбати

С. О.: — Муҳтарам устоз, одамни ҳам, тилни ҳам Худо яратган. Тил туфайли ҳамма халқларда бадиий адабиёт юзага келди. Узоқ тарихга назар ташласак, бирор-бир миллий сўз санъатининг фақат ўз қобиғида ўралиб қолганини кўрмаймиз. Чунки, агар ўқувчи мазмун-моҳиятини тушунса, бадиий асар аслан қайси тилда яратилганининг аҳамияти камроқ. Ҳар қандай асар ўқилдими, у ўз вазифасини бажаришга киришади. Бошқа тилда яратилган бадиият дурдоналарини ўқишнинг икки йўли бор. Биринчиси, ўша ўзга тилни билиш. Иккинчиси, асарни бир тилдан иккинчисига ўгириш. Аммо одатда ўзга тилни биладиганлар сони кам бўлади. Билганларнинг ҳаммаси ҳам у тилда асар ўқийвермайди. Ҳатто, туркий халқ вакилларининг форсий тилни билиши даражаси жуда юқори бўлган, деб тахмин қиладиганимиз Навоий замонида ҳам таржимага эҳтиёж жуда катта бўлган. Акс ҳолда, буюк шоир “Лисон ут-тайр”да Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достони ҳақида мана бу сатрларни битмас эди:

Форсий ойини улус фаҳм эттилар,
Борча маҳфий диққатиға еттилар.

Ғайр хайли сода атроки фақир, —
Ким аларда камдур идроки касир,

Қолдилар маҳрум бу иқболдин,
Қуш лисони бирла қилу қолдин.

Бу сатрларда туркий халқ вакилларининг форсийни билмагани учун Аттор достонидан баҳра ололмагани қайд этиляпти.

И.Ғ.: — Узоқ ва яқин тарихларда кўп қизиқ гаплар бўлиб ўтган-да...

Аввало, “Лисон ут-тайр”дан келтирилаётган парчадаги сиз урғу бераётган фикрга зарур изоҳ бериб ўтай. “Атроки фақирда тўла идрок кам эди”, деган гапнинг мутлақо, ҳеч қандай асоси ўша пайтларда ҳам йўқ эди, ҳозир ҳам йўқ. Атрок (ориятли, номусли, тўғри сўзли туркларга нисбат), яъни туркlар ҳамма вақт тез ва ўткир фаҳмлиги билан ажралиб турган ва буни Ҳазрат “Насойим ул-муҳаббат...”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” сингари асарларида жуда поёнига келтириб қайд этиб ўтган.

Атрок — инсоният маданий тарихида буюкдан-буюк халқ достонлари, эртаклари, қўшиқлари, мақоллари, маталлари, гўзал луғатлари, иборалари билан машҳур. Булар бари ўлмас халқ даҳосидан дарак беради. Булар атрок идроки тўла ва ўта ҳаракатчан бўлганини кўрсатади. Яна Навоийгача бўлган буюкдан-буюк насойиҳ шоирлар, чунончи, Навоийнинг ўзи каби ёки Ҳожиб, Кошғарий, Югнакий, Яссавий, Ҳаким Ота, Қутб, Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий, неча-неча буюк хоразмийлар, бухорийлар, самарқандийлар, шошийлар, фарғонийлар каби... Буларнинг бари идрок даҳоларидирлар.

Бошқа масала: эҳтимол, атрок ичида “мактаб кўрганлари” нисбатан камроқ бўлгандир. Бунинг учун Навоийгача бўлган даврда шарт-шароит озроқ бўлгандир. Шу боис Беруний, Сино, Фарғоний, Хоразмий, Форобий сингари бошқа буюк тилчилар ҳам араб тилида, буюк Низомий, Румий ва тарихчилар форс тилида иншо айлагандирлар ўз фавқулодда даҳо инкишофларини. Буларнинг бари, айниқса, энг юксак чўққида Навоий бор куч-ғайратларини атроknинг ақл-идроки, дили, онги, дин тамойилларини, ахлоқ нисбатларини тарбиялашга жон-жаҳдлари билан киришгандирлар. Ўлмас тарих буларнинг не-не исботларини келтиради. Атрокнинг донишмандлари Пифагор замонларида у билан оламнинг ва атомнинг қурилиши ҳақида баҳс олиб борганлар. Фақат ул атроклар ўша кўз илғамас замонларда “атрок” деб эмас, “қипчоқ” деб аталганлар, холос. Лекин қипчоқ — том маънода атрокнинг ўзи, холос.

С.О.: — “Лисон ут-тайр”дан парча келтирганимга хурсанд бўлдим. Баҳонада шунча гапларни билиб олдик. Аммо уни таржимага эҳтиёж ўша даврларда ҳам бўлганини айтиш учунгина эслагандим. Навоий ўта ҳақиқатгўй киши бўлган. Навоий борни борича айтган. “Муҳокамат ул-луғатайн”да форсий ва туркий халқларнинг муҳим хусусиятларини ажратиб-ажратиб кўрсатар экан, ютуғини ҳам, камчилигини ҳам яширмайди. Мана, бир мисол: “Андоқ маълум бўлурки, турк сорт (форсийзабонлар — С.О.) дин тезфаҳмроқ ва баланд идрокроқ ва хилқати софроқ ва покроқ махлуқ (яратилмиш — С.О.) бўлубдур ва сорт туркдин тааққул (ақлли — С.О.) ва илмда дақиқ (теран — С.О.) роқ ва камолу фазл фикратида амиқ (чуқур — С.О.) роқ зуҳур қилибдур ва бу ҳол туркларнинг сидқу сафо ва туз (тўғри — С.О.) ниятидин ва сортларнинг илму фунун ва ҳикматидин зоҳирдурур”.

3-бет

Бугун маърифатга эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.
Шавкат МИРЗИЁЕВ

Коронавирус

Янги рекорд ўрнатилди

Ижтимоий тармоқларда тарқалган маълумотларга кўра, дунё бўйича коронавирусга чалинганлар сони 18 миллиондан ошди, охирги маълумотларга қараганда, бир кунда дунё миқёсида қарийб 1 миллиондан ортиқ кишида коронавирус инфекцияси аниқланган. Энг ёмони, кўрсаткичлар кун сайин ўсиб бормоқда.



Қизиғи, ўзини энг қудратли давлат ҳисоблайдиган АҚШда ўсиш суръати энг юқорилиги қайд этилмоқда. Мазкур йилнинг биринчи ўн кунлиги якунида бу мамлакатда 315 минг одам COVID-19ни юқтирган бўлса, орадан бир кун ўтиб, бу рақам 1 миллион 400 тага етган.

Январнинг ўтган даврида Ғарбий Европанинг баъзи давлатларида пандемия тўлқини авжидан тушгандек кўринган бўлса-да, касалланиш давом этмоқда.

Ижтимоий тармоқларда Руминия, Италия, Россияда эпидемиологик вазият ёмонлашгани ҳақида расмий хабарлар тарқалди. “Биз ҳозир пандемиянинг бешинчи тўлқинига рўбарў келдик. Коронавирус тарқалиши бўйича Европада етакчи ўринда турибмиз”, деб баёнот берган Руминия Соғлиқни сақлаш вазири А.Рафила.

Янги мутация Болгария аҳолисига ҳам хавф солмоқда. Ҳудудда “омикрон”ни юқтирганлар сони кўпайди. Польшада ҳам мазкур штамм билан боғлиқ янги ҳолатлар аниқланган.

Шунингдек, янги “омикрон” штамми кириб борган мамлакатлар сафига Озарбайжон ҳам қўшилгани маълум бўлди. Начора, бу бедаво дард Марказий Осиё ҳудудига ҳам кириб келди. Қозоғистонда “омикрон” қайд этилганидан буён кўрсаткичлар кескин кўпаймоқда.

Бундан ташқари, Филиппинда “омикрон” доминант вариантга айланди. Шу сабабли, мамлакатда касалланиш кўрсаткичлари кун сайин ортиб бормоқда. Дейлик, ўтган кунларда дардга чалинганлар сони 33 мингтадан ошгани, бу пандемия даврида ҳудудда қайд этилган энг юқори кўрсаткичдир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг махсус вакили Дэвид Набарронинг фикрича, “омикрон” штаммини юқтириш сабабли келаётган уч ой одамлар учун оғир бўлиши кутилмоқда.

АҚШ Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш маркази маълумотига кўра, “омикрон”нинг баъзи хавфли белгилари қуйидагилар:

Нафас олишнинг қийинлашиши, кўкрак қафасида доимий оғриқлар пайдо бўлиши, уйқудан уйғониш қобилиятининг сусайиши, тери, лаб ва тирноқлар рангининг ўзгариши шулар жумласига киради.

Шифокорлар, шунингдек, кучли чарчоқ, томоқ оғриғи, қуруқ йўтал ва мушак оғриғини характерли аломатлар, деб ҳисоблашмоқда.

Шундай экан, санитария-эпидемиология қоидаларига амал қилиб, бу балога чалинмасликка ҳаракат қилиш ҳар томонлама фойдалидир.

Ўз мухбиримиз

ЎЗБЕК ТИЛИ ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТДИ

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида олиб борилаётган улкан ўзгаришлар ўзбек тили ва адабиётини ўқитишда ҳам ислоҳотларни талаб қилмоқда. Бундай ўзгаришлар ўзбек тили ва адабиётининг бутунжаҳон таълим тизимидаги ўрни ва аҳамиятини янгидан шакллантириш заруратини кун тартибига қўяди. Чунки ҳозирги янги сиёсий-ижтимоий шароитда ўзбек тилининг дунё коммуникатив тизимидаги ўрни ва аҳамияти муттасил ошиб бораяпти.

5-бет

Ma'rifat va ta'lim

2022-yil 21-yanvar,
2-son (28)
E-mail: marifatvatalim.gazetasi@bk.ru

Ота-она беҳад бўлади хурсанд, Фарзанд бўлолса муносиб фарзанд!

Муҳаммад Жавоҳир ЗАМИНДОР

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

Ростини айтсам, ҳар йили 1 сентябрь — Мустақиллик айёмини кутиб яшайман. Негаки, Мустақиллик дарсига чорлов қўнғироғи жаранги йил давомида дилларга ўзгача шукуҳ бағишлайди. Кўнгилда ўзгача фараҳбаш, бетакрор ҳислар мавжланади. Озод юртда эркин яшашнинг муқаддаслиги ҳам шунда билинади.

Мамлакатимиздаги таълим даргоҳлари қаторида бизнинг Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 135-мактаб жамоаси ҳам ўз ўқув-ўзлаштирув дастурига эга, пухта тайёргарлик ўқувчиларни келажакнинг керакли инсони қилиб тариялашда муҳим босқич ҳисобланади. Мактабимиз 2018-2019 йилларда мукаммал таъмирдан чиқарилди. Қўшимча синф хоналар ўқувчиларнинг таълим олиш баробарида турли фан тўгаракларида дарс жараёнида олган билимини оширишга имкон берди. Спорт-соғломлаштиришга ихтисослаштирилган заллар керакли техник воситалар билан таъминланди.

Бундан ташқари, рассомлик, тикувчилик, ҳунармандликка ўргатувчи тўгараклар ҳам фаолият кўрсатади. Ўқувчиларда турли соҳага қизиқиш кучли эканлиги доимо эътиборимизда.

Мактабимиз директори, аввало, таълим-тарбияга кўпроқ аҳамият қаратади. Битта ўқитувчининг муваффиқияти барчамизнинг юзимизни ёруғ қилишини таъкидлайди. Устоз шогирд мактаб остонасига қадам қўйгандан бошлаб ҳам ота, ҳам она эканлигини, уларни ўз фарзандларимиздек эъзозлашимизни, бор билимимизни, салоҳиятимизни ўқувчиларга сингдира олишимиз кераклигини уқтиради.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг билим олиш қобилиятини ўстириш баробарида инсонийлик фазилатларини ҳам шакллантирувчи, назорат қилувчи, эзгу амалларга даъват қилувчи, шу билан бирга, ота-оналарнинг истакларини рўёбга чиқарувчи шахс. Ижтимоий тармоқларда ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатларда сезиларли зиддият мавжуд эканлиги ҳақида кўп ёзишади. Бизнинг мактабда эса бундай кўнгилни хира қиладиган ҳолатлар учрамайди. Тўғри, ўқитувчи ва ўқувчи орасида тортишувлар, мунозаралар, баҳслар бўлиб туради, аммо одоб доирасидан чиқилмайди. Балки баъзи мактабларда устоз ўз ўқувчисининг истаклари, қизиқишлари ва шахсияти билан унча қизиқмаслиги, эътиборга олмаслиги сабаб турли зиддиятлар келиб чиққандир...

Мен ҳар доим келажагимиз учун керакли, етук шахс тарбиялашим зарурлигини ёдда тутаман. Шунинг учун, аввало ўқувчиларимнинг қизиқиши, интилиши, қайси фанга иқтидори баланд эканлигини билишга ҳаракат қиламан. Келажак мақсадини англашим учун шогирдимни тинглашим ҳам керак. Шундагина унинг руҳиятини тўғри йўналтира оламан. Бу шубҳасиз, устоздан алоҳида ёндашув талаб этади. Мен буни холис, тенглик асосидаги ёндашув, деб ҳисоблайман. Албатта, ҳар бир ўқувчи устоз ва ота-онаси ўртасидаги алоқаларни яхши ёки ёмон томонга буриб юбориши мумкин бўлган ахборот ташувчи эканини унутмаган маъқул.

Ана шунда ўқитувчи ота-онасига устозларнинг фикри, таълимга муносабати, тарбияга эътибори, шахсга нисбатан муомаласи ҳақида яхши фикр, жўяли гап олиб боради. Ўртадаги алоқаларни мустаҳкамлайди.

Яна бир нарса мени қизиқтиради, телевизордан кўриб қоламан, ривожланган хорижий давлатларнинг кўпида ўқувчи формаси бор. Уларни кўчада ҳам, мактабда ёки жамоат жойларида таниб олиш осон. Бизда-чи, ҳалигача бу масала ҳал қилинмади. Республикамиздаги барча мактаблар ўз ўқувчи формасига эга бўлиши керак. Албатта, ҳар бир ўқувчининг дунё қараши ҳар хил, кўнгил истаги доим ҳам бир хил бўлмайди.

Барчамиз биламизки, одамлар, айниқса, болалар эркинликни истайди. Ўзлари хоҳлагандай яшашни, кийинишни маъқул кўради. Аммо мактаб бошқа масала. У ерда юртнинг сара болалари таълим олиши, тарбияланиши, жамиятнинг таянч аъзоси бўлиб вояга етиши керак. Аслида, мен бир хил қолипга қаршиман. Лекин, ўқувчи қаерда бўлмасин ўқувчилиги билиниб, кўриниб туриши керак, деб ҳисоблайман. Шу қатори ўқитувчилар ҳам махсус кийимда мактабга келишса мақсадга мувофиқ бўлади.

Халқимизда бир гап бор: "Замон ўзгармасдир, давр ўзгарувчан", деган. Бизлар талотўп даврда яшаяпмиз, айниқса, коронавирус инфекцияси дунё аҳлининг ҳаёт тарзини ўзгартириб юборди. Атрофимиздаги муҳит, турмуш тарзига ёндашув тез суръатларда, таниб бўлмас даражада ўзгаряпти. Лекин бу ўқитувчидан ўз касбига янада катъийроқ, масъулият билан эътибор қаратиши лозим эканлигини ҳам таъкидлайди. Мактабларда дарслар онлайн тарзда олиб борилса-да, ўқувчи йил давомида олиши керак бўлган билимни уларга етказа билиш бизнинг бурчимиз. Таълимда узилиш, оқсоқланиш бўлмаслиги керак.

Дарс жараёнлари бир хил кечмаслиги лозим, ҳар бир дарсда янгилик, ўзгариш бўлса ўқувчи зерикмайди. Албатта, буни ҳар доим ҳам уддалаш қийин, лекин касбимиз шуни талаб этар экан ҳаракат қилиш лозим. Энг муҳими, бу ўқувчининг тўлақонли шахс бўлиб воя га етишига хизмат қилади.

Устоз ҳам одам, у робот эмас. Шундай экан, у ҳам хато қилиши мумкин. Ана шундай лаҳзаларда ўқитувчи ўз хатосини шогирдлари олдида тан олиши, тузатиши ўта муҳим. Доно лар айтади-ку: "Ҳаракат қилмаган одам хато қилмайди", деб. Ҳадиси Шарифда эса: "Мен умматларимнинг хато қилишидан қўрқмайман, қилган хатоларини тузатишга ҳаракат қилмаганликларидан қўрқаман", дейилган.

Албатта, ўқитувчи кузатувчан бўлмоғи лозим. У ўз шогирдларининг дарсдан дарсга билими, ўзлаштириш даражаси қандай кўриниш касб этаяпти? Буни билиши керак. Агар фанни ўзлаштириш ўзгармаса, демак, ўқитувчи дарс ўтишда камчиликка йўл қўйган бўлади. Ана шу қилган хатосини тузатиб, кейинги дарсларни қизиқарли, ўқувчига тушунарли тарзда ўтиши талаб этилади.

Президентимиз бугунги одамлар кечаги одамлар эмас, уларнинг ҳуқуқий онги, тушунчаси анча ўзгарди. Яхши томонга ўсганлигини таъкидлаб айтган эдилар.

Албатта, ўқитувчи бугунги ўқувчилар ҳам анчайин кенг тушунчали, билим олишга ёндашуви ҳам ўзгарганини ёддан чиқармаслиги керак. Бугун ҳаётимизга интернет тармоғи яшин тезлигида кириб келди. Ва янги-янги шаклда кириб келишда давом этмоқда. Ҳатто, боғча боласи ҳам бугун уяли алоқа воситасида интернетга уланиб фойдалана олади. Буни доим эсда тутиш лозим. Уларнинг интернетдан тўғри фойдаланишлари учун ҳам ўқитувчи зийрак ва талабчан бўлиши шарт.

Ўқитувчи ўз ўқувчисининг фикрлаш қобилияти, дарсни қабул қилиш иқтидори, қизиқишлари билан яқиндан танишиб бориб, бундан дарс жараёнида фойдалана билиши лозим. Шундай экан, таълимни тарбия билан баробар олиб бориш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Энг муҳими, дунё ўзгаришларга юз тутган бир пайтда ўқувчи-ёшларда маънавий иммунитетни ҳосил қилиш биз учун фарз. Ана шунда улар турли оқимлар таъсирига тушиб қолмайди. Ўз фикрига, дунёқарашига эга бўлади. Қўшимча тарзда бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун тўгараклар фаолиятини янада кучайтириш, ўқувчиларда қизиқиш уйғотиш, жалб этиш ҳам фаолиятимиз асоси ҳисобланади.

Дилафруз ЖЎРАҚУЛОВА,
Тошкент шаҳар,
Яккасарой туманидаги
135-мактабнинг бошланғич
синф ўқитувчиси

ТАРЖИМАНИНГ БУЮК ҚУДРАТИ

Атоқли таржимон, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон санъат арбоби Иброҳим Ғафуров билан таржимашунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Султонмурод Олим суҳбати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ҳазратнинг мана бу фикри эса “Лисон ут-тайр”даги хулосасига айнан мос тушади: “Ва сорт орасида аҳли табъ ва дониш, зумрайи илму зеҳн ва бийниш кўпракдур ва турк элида ажлоф (билимсиз — С.О.) ва сода эл сортдин зиёдадур”. Буюк шоир ва мутафаккир бутун умрини ўз халқини маърифатли қилишга бағишлаган.

И.Ғ.: — Айтмоқчи, баъзи афсонаворларда, “Одиссея” ва “Илиада”нинг муаллифи алпомишвор Гомер “қипчоқлар” ичидан чиққан, деган фаразиялар ҳам қолган

Аммо бу энди эзотерика ва мен бунинг исботида икки оёғим билан маҳкам туролмайман. Тарихда жуда қизиқ гаплар кўп бўлган, деб сўзни бошладим-ку, шу, эҳтимол, кифоядир...

С.О.: — Ўтган йилнинг 10 декабрь куни Санкт-Петербургда Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган тадбирларда бирга қатнашдик. Очиғи, Санкт-Петербург шаҳрида Россия Федерацияси Миллий кутубхонаси раҳбариятига буюк рус адиби Фёдор Достоевскийнинг ўзингиз ўзбек тилига ўгирган 5 китобини совға қилганингиздаги юксак маънавий лаҳзага ҳавасим келди. Тайёр китобларни туҳфа тарзида топшириш кимларгадир бир оддий маросим бўлиб туюлиши мумкин. Лекин... Аввало, бир халқнинг Достоевскийдай даҳо сўз санъаткори асарларини ўзга лисонда “сайратиш” учун бу халқнинг ҳам Ер юзидаги ҳар қандай адабий ёдгорлик мазмун-моҳиятини аслидагидай қилиб ифодалай оладиган қудратли, соҳир тили ва шунга мос буюк адабиёти бўлиши керак. Буларнинг бари бўлса-ю, Иброҳим Ғафуровдек жону жаҳонини аслият бадиий жозибаси-ю мазмун-моҳиятини, муаллиф мақсадини бор бўй-басти билан она тилига ўтказиб, халқига тақдим эта олмаса-чи?..

Шуни ўйлар экансан, “ТАРЖИМОН” барча товушлари катта ҳарфлар билан ифодаланадиган муқаддас сўз бўлиб туюлади. Нима дедингиз?..

И.Ғ.: — Ўтган асрнинг 60-80-йилларида мен Давлат бадиий адабиёт нашриётида йигирма йилдан ортиқ ишлаган эдим. Ўша йиллари Ўзбекистоннинг барча йирик нашриётларида камида 70-80 номда жаҳон адабиёти намуналари таржимаси уларнинг йиллик режаларига киритилар, таржимонлар танланар, ижодий таклифлар ёзма тарзда қабул қилинар эди. Бу борада бизнинг нашриёт етакчи эди. Чиқариладиган таржималарнинг матнлари, йирик таржимонлар томонидан жиддий муҳокамадан ўтказиларди. Таржимонлар баъзан бир неча марталаб ўз матнларини қайта кўриб, бадиий жиҳатларини ростлашарди.

Жаҳон адабиётларидан таржима учун асар танлашга ҳам ниҳоятда жиддий қаралар, таклиф ва тавсиялар кўриб чиқилар, таржимонлар доим бир-бирлари билан ўзаро маслаҳатлашарди. Китоблар нисбатан арзон бўлар, ўқувчилар ўртасида таржима адабиётлари яхши тарқаларди. Таржимонликка, иккинчи даражали иш, деб қаралмас, бу касб эгалари яхши ҳурмат қилинар, уларга худди ёзувчиларга қарагандай қаралarди. Нашриётда ижодий, бадиий таржимонлик муҳити яшнаган эди.

Мен шу ижодкорлик муҳитида бадиий таржима дунёсига қаттиқ қизиқиб қараганман. Учиб-қуниб, қани, энди Хемингуэйлар, Фолкнерлар, Достоевскийларни ўзбек тилида чиқарсам, деб, ёниб-куйиб орзу қилардим. Муҳит яхши бўлгани учун бу орзуларимга йўл очилган эди. 60-80-йиллар Ўзбекистонда таржима адабиётининг яшнаган йиллари бўлди. Кейин тарих планли социалистик экономиканинг ўз йўлларидан улоқтириб ташлади. Бутун дунёда глобализм, эркин бозор иқтисоди тўла ҳукмрон бўлди. Эркин бозор иқтисодига ўрганмаган нашриётлар, редакциялар ўтириб қолди. Таржима адабиётлари чиқариш яккам-дуккам шаклга кирди.

Юрагим оғриб турган бўлса ҳам, айтаман: бадиий, илмий-техник, ижтимоий-иқтисодий таржима соҳаларида “ҳаваскорлик” бошланди. Ҳозир шу йўналишда муваққат турибмиз. Янги қилинаётган бадиий таржималар аксаран ўша “ҳаваскорлик” даражаси ва йўналишида: улардан шира ва жозиба, асл эквивалентлиликни қидириб тополмайсиз. Таржима танқидини қидириб, орзу қилиб, кўзим тўрт бўлади. “Айюб ноласи”, “Бузрукнинг кузи”ни бир одам ўқидим, демади. Ким учун ёздим уларни? Бугун ўқимаётганлар эртага ўқирмикин? Ҳеч кимнинг айби йўқ. Фақат эркин глобал бозор иқтисоди...

С.О.: — Русча таълим олган бир раҳбар қўл остидаги ходими ҳақида сўраган экан, йўл тушаётгани учун унинг уйи бузилгани, ўрнига янги уй берилгани, шу ташвишлар билан бандлигини айтишибди. “Э, у ҳам маишатга берилиб кетибди-да”, дебди раҳбар. Ходимлар ҳайрон эмиш. Ахир, тилимизда “маишат” сўзининг “зиёфатхўрлик” маъноси ҳам, сал бошқачароқ маъноси ҳам бор-ку. Гап шундаки, ҳалиги раҳбар русча “быть” сўзининг бир маъносигина “маиший ишлар” эканини, масалан, “дом быта”ни “маиший хизмат уйи” деб таржима қилишимизни, лекин иккинчи маъноси “турмуш ташвишлари” тарзида ўгирилишини билмайди-да. Худди шунингдек, бизда “юрак”, “дил”, “қалб”, “кўнгил” сўзлари ўзаро маънодош, яъни синоним бўлса-да, уларни хоҳлаганча бир-бирининг ўрнига қўйиб ишлатиб бўлмайди. Масалан, “юрагим оғриди” ифодаси инсоннинг тиббий, яъни жисмоний, “дилим оғриди” эса руҳий ҳолатини акс эттиради. Ёки “кўнглимга тегди”ни “қалбимга тегди” деб бўлмайди.



Бу мисолларни қалаштириб келтиришдан мақсад шуки, ўзга тилни дарслик, қўлланма ва луғатлар орқали ўрганишнинг ўзи билангина она тилидан хорижий лисонга бадиий асарни таржима қилиш — амалда жуда оғир масала. Бизда таълим тизими орқали ўзбекчадан хорижий тилларга ўгирадиган мутахассислар тайёрланяпти. Аммо улардан ўзбек бадиий адабиёти намуналарини қойилмақом қилиб ўгирадиган таржимонлар чиқишига ишонасизми?

Ахир, таржимон таржима тилида равон қалам сура оладиган ижодкор бўлиши керак эмасми? Ёки яна шўро давридагидек булар сўз санъатимиз намуналарини таглама қилиб беради-ю, хорижлик профессионал таржимонлар уларни бадиий сайқаллаб, назмий матн бўлса, шеърга солиб, нашр этадими?

И.Ғ.: — Худди океанлар тагига дур илинжида жуда чуқур шўнғийдиган ғаввослар каби таржимон ҳар қандай матннинг тагига жуда чуқур етиб бормагунча, матнда не-не жавоҳирлар хазиналарини ётганини тўла англамагунча таржима ижодида муваффақиятли қалам тебратолмайди. Ўқувчиларни қувонтирадиган бадиий натижаларга эришолмайди. Таржима мияда ва юракда пишади. Қутб айтмоқчи, жуда яхши пишганда асал ҳалвога айланади.

Таржимага ният боғлаган кишининг бу таржимага тайёргарлиги том бўлса, таржима матни юрагида етилса, ана ўшанда таржима чин бадиий ижод маҳсулига айланади ва эстетик дид-фаросати баланд ўқувчиларнинг ҳурмат-эътиборини қозонади. Идеалда — шундай. Ҳозирги таржималарда эса таржимоннинг тайёргарлик меҳнати кўзга ташланмаяпти. Сузишни билмаган одамнинг сувга тушгани қурсин: кулгидан ва ташвишдан бошқа нарса эмас, ҳар умбалоқ ошганда, унинг чўкиб, раҳматли бўлиб кетиш хавфи бор, одамнинг юрагини зириллатиб, бездириб туради.

С.О.: — Шундай буюкдан-буюк адабиётимиз бор. Бироқ буни ҳали дунёга кўз-кўз қила олмадик. Шу масалада, Сизнинг-ча, қандай оқилона йўл тутишимиз зарур?

И.Ғ.: — Таржима — ҳужайраҳужайрасигача, зарра-заррасигача маърифат. Дунё халқларини бир-бирларига яқинлаштириш, бир-бирларига тушунарли қилишда иқтисоддан кейин бадиий ва илмий таржимага тенг келадиган соҳа йўқ. Балки жаҳон бадиий таржима маданияти, вазифасига кўра, халқаро иқтисоднинг аҳамиятидан ҳам олдинроқда турар. Халқаро мос ва уйғун иқтисод халқларни ўзаро яқин қилса, бадиий ва илмий таржима кенг миқёсда халқлар, мамлакатларни бир-бирларига яқин ва муҳаббатли қилади.

Қодирийни олижаноб, озод замонлар келиб инглизлар ўз тилига ўгирмоқда, замонавий пешқадам ўзбек адиблари ва шоирлари, драматургларининг асарлари немис, итальян, француз, испан тилларига таржима қилиняпти. Эркин Аъзам Испанияда Хуан Гойтисоло ёки инглиззабон мамлакатларда Вуди Аллен бўла олармикин? Хемингуэйни севиб ўқийдиган Америка Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Исажон Султон, Назар Эшонқулларни ўз бағрида муҳаббат билан уларга ҳарорат бахш эта олармикин? Йўқ эса менинг Жойсдан қилган таржимам каби океанга чўкиб ётаверармикин? То Искандар Зулқарнайннинг батискафи етиб келгунча?

Гадоий, Лутфий, Навоий, Қодирий, Чўлпон... асарларини ўз тилида ўқиб, инглиз маданийси ўзбек халқини ўзига яқин олармикин? Турк азамати Қодирийни бутун бадиияти ва бутун миллий оғриқлари билан тўла ва теран қабул қилолармикин? Саволлар кўп. Жавоб эса — коинот гулида.

С.О.: — Тан олиб айтиш керакки, ўтган бир аср мобайнида ҳам кўлами, ҳам даражаси жиҳатидан буюк ўзбек таржимачилиги майдонга чиқди. Улкан тажриба тўпланди. Хўш, таржимачилигимизнинг бугунги даражаси ана шу бой мактабга муносибми? У қай бир жиҳатлардан ёмон, ҳам орқада қолаётгани йўқми? Агар, мабодо, орқада қолаётган бўлса, Сизнинг-ча, бунга нималар сабаб бўлаётир?

И.Ғ.: — Таржима жуда машаққатли ижодий меҳнат. Таржимондан жуда кўп куч, диққат-эътиборни талаб қилади. Ёзувчилар фидокор одамлар бўлганларидек, таржимонлар ҳам ўта фидойи одамлар. Миркарим Осим, Қодир Мирмуҳамедов, Мирзиёд Мирзоидов. Низом Комил, Холида Аҳророва, Зумрад шундай фидокор таржимонлар эди. Улар қалам ҳақи учун эмас, санъат асари бунёд этиш учун тер тўкардилар.

Лекин эркин бозор иқтисодида таржимаси тарқалиб, сотилсагина таржимонга қалам ҳақи берилади. Бошқа манба ва бошқа даромад йўқ. Китоблар эса жуда кам тарқаладиган ҳолга тушди. Таржимон моддий манфаатдорликдан қарийб маҳрум бўлди. Нашриётлар таржима учун оғриниб-оғриниб берадиган қалам ҳақи ҳам — борми-йўқдек мисоли. Мавлоно Огаҳийдек битта чопон ва бир эшак саксовул учун буюк тарихий асарларни ўзбекчалаштирадиган холис одамлар борми? Бор-у, жуда кам.

4-бет

Агар менинг фикрим бошқача бўлса, бу сизнинг душманингиз эканлигимни ёки аҳмоқлигимни англатмайди. Бу шунчаки мен бошқача фикрда эканлигимни англатади.

Эдвард РАДЗИНС

Ma'rifat va ta'lim

2022-yil 21-yanvar,
2-son (28)
E-mail: marifatvatalim.gazetasi@bk.ru

Хатти-ҳаракати билан тарбия берувчи сўзи билан тарбия берувчидан яхшироқдир.

Жалолиддин РУМИЙ

ТАРЖИМАНИНГ БУЮК ҚУДРАТИ

Атоқли таржимон, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон санъат арбоби Иброҳим Ғафуров билан таржимашунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Султонмурод Олим суҳбати

(Давоми. Бошланиши 1-, 3-бетларда.)

Ҳозир булар обу ҳаволарни белгилолмайди. Мана, атоқли шоир Жамол Камол йирик-йирик Шарқ адабиёти намуналарини таржима қилди. Ўзининг ёзишича, унга бир қанча ҳомийлар сидқидилдан ёрдам беришган. Аммо ҳамма ҳам Жамол Камол бўлолмайди. Ҳомий ҳадеганда топила қолмайди. Бизнесменлар танимаган ишга пул тикмайдилар. Мана, мен, ёшим улғайиб қолган бўлса ҳам, Достоевскийнинг “Ўсмир” (“Подросток”) ва “Эррайим” (“Вечний муж”) романларини ўзбекчалаштиргим келади. Аммо ҳомий қани? Аввалгилардек, ҳомийларни ўйлаб ўтираманми, ишга киришаверай, тайёргарлик кўриб қўйганман, десам, оғзимга қуруқ қошиқ сиғмай қолган. Хуллас, буюк бир ишлар ҳавода осилганча муаллақ турмоқда ҳамда вақту соатини кутмоқда. Аммо дунё ҳеч қачон умидсиз эмас!

С.О.: — Айтинг-чи, ўтган юз йил мобайнида ўзбек тилида яратилган оҳорий бадиий адабиёт намуналари кўп чоп этилдими ёхуд бошқа тиллардан таржима қилинган асарларми? Сизнинг ўзингиз ҳажман ўз асарларингизни ёзаётганда кўп матн битганмисиз ёхуд таржима қилган асарларингиз ҳажми бундан кўпроқми?

И.Ғ.: — Мен оригинал ва таржима асарларимнинг ҳажмини ҳеч ҳисоблаб кўрган эмас эканман. Бадиий таржима жилдларим катта ва кўп бўлса керак. “Янги аср авлоди” нашриёти “Иброҳим Ғафуров таржималари” деган кўп жилдлик чиқармоқчи бўлиб, чоғланиб юради. Шу сўзнинг ҳимматига балли, деб қўяман. Аммо қачон чиқаради, билмайман.

С.О.: — Тилни бадиий адабиёт мисли кўрилмаган даражаларда равнақ топтириши баҳслашиб ўтирадиган масала эмас. Биргина буюк Навоий ижоди туркий забонимиз мақомини бағоят юксак даражаларга кўтарганини ҳаммамиз биламиз. Хўш, ўзбек тилида яратилган оҳорий матнлар орқали кўп сўз адабий тил мулкига айланадими ёки таржима асарлар орқали ундан мўлроқ янги сўз кириб келадими? Камина наздида, оҳорий асар битаётган муаллиф онгида фаол бўлган, яъни ўзи яхши биладиган сўзлар билангина иш кўради, янги сўз излаб, бу борада кўп ҳам бошини қотириб ўтирмайди. Аммо таржимон ўзга тилдаги матнга тобе.

У ўша бегона матнда мавжуд маъно-мазмунни ўз тилида ифодалашга мажбур. Шунда, табиийки, кўп-кўп янги сўзлар излайди, топади ҳам. Шу борадаги фикрингизни билмоқчи эдим.

И.Ғ.: — Бадиий таржима мени сўз дунёсида яшаш, сўз қидириш, сўзларни бадиий таржимада ўз амалий чўққи нуқтасига кўтаришга доим тўхтовсиз чорлаб туради. Мен рангбаранг луғатлар билан ишлаш, уларни варақлашни беҳад яхши кўраман. Таржима мени сўз дунёларига чорлаб туради. Шунинг учун бадиий ижод, бадиий таржимани беҳад севаман. Булар — менга кўкдан иноят каби тушган соҳалар. Сўз тополмай, диққат бўлсам, кутубхонага бориб, Оксфорд луғатини варақлаб-варақлаб келаман. Яна яшагим келади. “Топдим-ку!” — дейман. Излаш, топиш — қанчалар оҳанраболи ишлар.

Менга луғат кўрмаган куним кун эмас. Худо сўзларни миллион йиллик амалиётлар ва тажрибаларда жавоҳирга айлантирган. Доим: “Сўзга эҳтиёт бўл!”, “Сўзга ҳушёр тур!” — деган товуш қулоғимдан кетмайди. Нон, сув, ҳаво, ўт, сўзга эҳтиёт бўл! Осмон сени кузатиб турибди. Сўзнинг уволидан қўрқ! Унинг уволи нонтепкиликдан кам эмас. Мақолани бир пасда ёзиб ташлайверма. Қара, сўзларинг қайси заминга тушади, жигар!

С.О.: — Бадиий таржима соҳасида асар танлаш ўта муҳим масала. Таржима ўзи ўта оғир меҳнат турларидан бири. Китоб деган нарса ҳар куни босилавермайди. Ўқувчининг диди таржимон гарданига жуда катта масъулият юкласа, таржимон шундай ноёб истеъдоди, салоҳияти, меҳнатини “ўтин ёришга” сарфламаслиги керак-да. Мана, Сиз фақат жаҳон адабиётининг дурдона асарларинигина ўгирган сиз.

Таржимонда, муайян матнни бир тилдан иккинчисига маҳорат билан ўтказишдан ташқари, таржима учун асар танлай билиш салоҳияти ҳам бўлиши керак эмасми? Ё бу масалани фақат нашриётларнинг бизнес мақсадлари ўпқонига ташлаб қўяверамизми? Сизнинг-ча, демократик тузумда давлатнинг бошқа тиллардан ўзбекчага бадиий адабиёт намуналарини таржима қилиш борасидаги сиёсати, борингки, ўрни ва мавқеи қандай бўлиши лозим?



И.Ғ.: — Бадиий таржима соҳасида таржима учун асар танлаш бу — ҳамма масала. 99 фоизнинг ҳаммаси. Қолган бир фоизи таржимага жаҳд билан ўтирганда ҳал бўлади.

Дунёда беҳад улуғ ижтимоий-сиёсий асарлар яратилган. Киссинжер, Бзежинский, Горбачев, Черчилл, Хантингтон! Нега буларни ҳеч ким ўзбек тилига ўгирмайди?! Ахир, аҳли камолот худди мана шуларда-ку! Тавба!

Нега ижтимоий-сиёсий билимлар чуқур ўқитилмайди? Булар ҳаммадан кўра миллий мустақиллигимизнинг туб ва ишончли замини-ку! Буларга, ҳатто, маънавиятдан кўра, юксакроқ эътибор керак. Сиёсатдан ажралиб қолган маънавият кимга нима фойда етказади. “Тараққиёт стратегияси”да бу бир бандда очиқ ёзилган. Булар бугунги оламда очиқ сўз ва очиқ фикр билан яшашга ўргатадиган асарлар.

С.О.: — Ўзбек таржимачилигининг бундан буёнги равнақини таъминлаш учун айнан нималар қилишимизга тўғри келади?

И.Ғ.: — Ростини айтсам, менинг бунга ақлим етмайди. Бунинг учун аҳли замон етилиши керак, вассалом!

С.О.: — Сермазмун суҳбатингиз учун ташаккур, устоз.

И.Ғ.: — Сизга ҳам раҳмат.

Юсуф ЖЎРАЕВ
тайёрлади

ЎЗБЕК ТИЛИ ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Шу вақтга қадар ўзбек тили таълими дунёнинг барча бурчакларида фақат ўзбек тилида олиб борилади. Бу албатта тушунарли, чунки тил ўрганиш ўзи ўрганаётган тилнинг ифодасини талаб қилади. Бироқ бундай таълимнинг айрим нюанслари мавжуд.

Ҳозирги даврда халқнинг менталитети, маданияти ва ички дунёсини тушуниш, уни оламга намоён қилиш учун фақатгина тил билишнинг ўзи камлик қилади. Миллий адабиёт ва унинг поэтикасини шакллантириш учун тилини халқаро тиллар воситасида ўргатиш зарурати ҳам бор эканлиги маълум.

Бунга мувофиқ “дунёдаги энг бой ва энг гўзал тил” (Фитрат) бўлган туркий тилнинг қонуний меросхўри бўлмиш ўзбек тилининг барча функционал имкониятлари, бадиий-поэтик гўзаллиги ҳамда нутқий равонлигини олам аҳлига намоён қилиш зарурати ортади.

Таълим тизимидаги ўзгаришлар ҳам ўзбек тили ва адабиётини халқаро тилларда ўқитиш ва ўргатишни талаб қилмоқда. Глобаллашув замонида бундай зарурат ўзбек тили ва у ёрқин акс этган ўзбек адабиётининг интеллектуал ва поэтик бойлигини намоён қилиш билан изоҳланади. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси миқёсида ташкил қилинаётган янги таълим муассасаларида фанларни ўқитиш инглиз ва бошқа халқаро тилларда олиб борилмоқда. Бундай таълим шароитида замон билан ҳамнафас бўлиш аҳамиятлидир.

Ҳозирга қадар Ўрта Шарқ адабиёти, дейилганда асосан форс-тожик адабиёти тарихи назарда тутилган. Бунинг сабаби, бу адабиёт намуналари қатор хорижий тилларга таржима қилинган ёки хорижий тилларда уларни ўрганиш ва ўқитиш йўлга қўйилганлигидадир. Ваҳоланки, ўша ўрта асрлардаёқ туркий — ўзбек тилининг поэтик имкониятлари форс-тожик тилидан кам эмаслиги қатор асарларда қайд қилинган. Араб тили фасиҳ (фасоҳатли, мазмундор), форс тили малиҳ (малоҳатли) деб таърифланган бўлса, туркий тил сахих (тўғри, равон) тил сифатида тан олинган.

Қадимги туркий тил ёдгорликлари дунёнинг қатор мамлакатларида забардаст олимлар томонидан ўрганилган. Уларнинг жаҳон халқлари санъати ва маданиятига қўшган ҳиссаси қайд қилинган. XII-XIV асрларда яратилган Олтин Ўрда ёдгорликларининг тили ҳам бевосита эски ўзбек тилида эканлиги бизнинг бу адабий-маданий ёдгорликларга даҳлдорлигимиз ҳамда уларни географик-лисоний жиҳатдан қайта ўрганиш зарурати борлигидан далолат беради.

Биз Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур каби жаҳонга ном таратган адабиёт намояндаларининг асарларини қатор тилларда жаҳон аҳлига етказиш, ўша тилларда уларнинг янги таҳлилларини яратишни ҳозирги ўзбекшунослик ва ўзбек филологиясининг долзарб вазифаси, деб ҳисоблаймиз. Қолаверса, ҳозирги ўзбек тили ва адабиёти ютуқлари, уларнинг ўрганилиш даражасини бошқа тилли олимларга етказиш зарурати бор.

Ўзбек тилининг луғат бойлиги, маъно ва моҳият кўлами уни бошқа тилда ўқитганда янада жозибали, аниқ ва улуғвор кўриниши тажрибада синалган. Бутун Ўзбекистонда қатор шаҳар ва туманларда хорижий тилларга ихтисослашган мактаб, гимназия, лицей ва коллежлар фаолият юритмоқда. Яна хорижий мамлакатлар билан фақат тилларда таълим берадиган қўшма олий ўқув юртлари ташкил қилинмоқда. Уларда ўзбек тилининг ўқитилиш ҳолатини талаб даражасида дейиш қийин. Сабаби, қатор фанлардан таълим хорижий тилда олиб борилгани ҳолда фақат ўзбек тили алоҳида тилда ўқитилади ёки умуман ўқитилмайди.

Уларга рус, инглиз ёки бошқа тилларда ўзбек тилини ўқитиши мумкин бўлган ўқитувчилар ҳозирга қадар Ўзбекистонда тайёрланмаган. Бу борада янги очилган Президент мактабларида фанлардан машғулотлар хорижий тилларда олиб борилаётганлигини ҳисобга олсак, масаланинг аҳамияти янада ортади. Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўзбек-инглиз факультети фақат тор доирада илмий таржимон ва илмий ходимлар тайёрлашга ихтисослашган, холос.

Ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги талабаларининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжини қондириш учун Республика педагогика олий ўқув юртларида ўзбек тили ва адабиётини хорижий тилларда, энг аввало инглиз ва рус тилларида ўқитиш ҳамда бу фанни шу тилларда ўқита оладиган мутахассислар тайёрлаш зарурати бор.

Қолаверса, ўзбек мумтоз адабиёти ва илм-фанининг ноёб намуналари қатор хорижий мамлакатларда сақланади. Бу мамлакатларда илмий-педагогик фаолият олиб бориши мумкин бўлган кадрлар хорижий тилни нафақат билиши, балки ўша тилда ўз соҳасини ёритиб бериши ҳам керак бўлади. Шуларни эътиборга олган ҳолда, айтиш лозим, ҳозирда нафақат замонавий, балки мумтоз ўзбек адабий тилининг барча жозибаси ва маънодорлигини очиб бериш учун ўзбек тилидаги таълимни янги, хорижий тиллардаги таълим билан тўлдириш зарур. Ваҳоланки, ҳар қандай маданият кўплаб халқларда уларнинг ўз она тилларида акс этгандагина тушунарли, аҳамиятли ва жозибадор бўлади.

Мана шу ўринда яна бир маълумотни келтириб ўтмоқчиман. Яқинда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ректоратига Россия Федерацияси Карелия университетидан хат келган. Унда Карелияда яшовчи ва ишловчи ўзбекистонлик оилаларнинг кўпайгани боис ҳамда маҳаллий аҳоли орасида ўзбек тилига бўлган қизиқишнинг ортиши сабаб ўзларида ўзбек тили ўқитувчилари тайёрлайдиган гуруҳлар очиш нияти борлиги маълум қилинган. Бу соҳани кадрлар билан таъминлаш мақсадида мутахассислар юбориш сўралган.

Биз агар Россияда ишловчи ва у ерда муқим яшовчи ўзбеклар сонининг катталигини эътиборга олсак, бу ҳолат у ердаги аҳолини ўз она тилида таълим олишлари учун шароит яратилишини тақозо қилади. Бунинг натижасида у ердаги маҳаллий аҳоли ўртасида ўзбек тили ва адабиётига бўлган қизиқишнинг кескин ортиши табиий. Қолаверса, бошқа собиқ иттифоқ доирасида яшовчи ўзбекларнинг она тили ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Халқаро миқёсда ўзбекистонлик аҳолининг катта қисми АҚШ, Корея ва яна қатор Европа мамлакатларида яшаб, ишлаётганлигини ҳисобга олсак, уларда ҳам замонавий ўзбек тилининг луғавий таркиби ва грамматик хусусиятларини ўрганиб бориши тилни йўқотмасликлари учун муҳим.

Энг муҳим фактлардан бири, буларнинг ҳаммаси жаҳон миқёсида ўзбек тили ва адабиётига бўлган қизиқиш ва интилишнинг ортишига олиб келиши аниқ. Биз эса, бундай вақтда уларни кадрлар билан таъминлаш учун ҳозирдан тайёрланмоғимиз зарур.

Шу каби муҳим аргументларни дастур қилиб олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари тизими таркибида ўзбек тили ва адабиётини хорижий тилларда ўқитадиган мутахассислар тайёрлаш зарурати бор, деб ҳисоблаймиз ҳамда ўзбек филологияси таркибида ўзбек-рус-инглиз компаратив филология гуруҳлари ташкил қилишни таклиф қиламиз.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти базасида ўзбек-рус-инглиз компаратив филология бўлимининг очилиши билан бу тилларни қиёсий ўргана оладиган, уларни махсус таълим муассасаларида ўқита оладиган мутахассис ва умуман бу соҳада юқори савияли илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш учун асос солинган бўлур эди. Қолаверса, узоқ йиллардан бери муаммо бўлиб келаётган лотин графикаси асосидаги ўзбек ёзувини амалда қўллаш масаласи ҳам ҳал бўлар эди.

Бу борада қуйидаги ташкилий ишларни амалга оширишни таклиф қиламиз. Хусусан:

- ўзбек филологиясига қабул қилинган талабалар ичидан соҳага қизиқадиган, соҳага лаёқати бор, рус, инглиз тилини маълум даражада биладиган талабаларни танлаб олиш;

- ўзбек тили ва адабиётига оид илмий, илмий-оммабоп ва бадиий адабиётларни топиш, йиғиш ва улардан алоҳида кутубхона ташкил қилиш;

- ўзбек тили ва адабиёти намуналарининг инглиз ва бошқа тилларга қилинган таржималарини тўплаш ва уларнинг илмий салоҳиятини ўрганиш ҳамда мана шу илмий мерос асосида дастур тузишни амалга ошириш;

- соҳанинг ДТС ҳужжатлари, фан дастури, ишчи дастури ва амалдаги қонунчиликка оид барча ҳужжатларини тайёрлаш ва тасдиқлатишга доир ишларни шакллантириш;

- илмий-педагоглар гуруҳини шакллантириш;

- Чирчиқ давлат педагогика институти базасида ўзбек-рус-инглиз компаратив филология бўлимининг амалдаги қонунчиликка оид ҳужжатларини шакллантириш, низоми, дастури ва ўқув режаларини яратиш ҳамда тасдиқлаш;

- Чирчиқ давлат педагогика институти базасида таржимашунослик марказини яратиш. Марказда турли тилларни биладиган мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш учун зарур шароитларни яратиш;

- марказ базасида ўзбек тили ва адабиётини бошқа тиллар ҳамда адабиётлар билан қиёсан ўрганишга бағишланган илмий-амалий конференциялар уюштириш;

- жаҳоннинг илғор филологик мактаблари мавжуд мамлакатлар олий ўқув юртлари билан илмий-амалий ҳамкорлик ўрнатиш, кадрлар алмашиш тизимини йўлга қўйиш;

- ЎзР ФА таркибидаги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор, Шарқшунослик, Шарқ қўлёзмалари институтлари билан мустаҳкам ҳамкорликда ўзбек тили ва адабиётининг жаҳон ҳамжамиятида ўрганилиши, тарғиб қилиниши ҳамда унинг долзарб муаммолари устида ишлаш;

- ўзбек тили ва адабиётининг энг илғор ютуқлари, уларнинг поэтик хусусиятлари ва ўзига хос этник-лисоний маданиятини жаҳон илми аҳлига тарғиб қилинишига эришиш;

- мунтазам равишда турли даражаларда халқаро илмий-амалий конференцияларда тадқиқотлар натижаларини оммалаштириб бориш.

Бу вазифаларнинг бажарилиши ҳали ишнинг бошланиши бўлади, холос. Бироқ улар ўзбек тилининг Давлат тили мақомидаги Қонунни ҳаётга татбиқ қилишда янги йўналишга асос солиши табиий. Ваҳоланки, Давлат тили борасидаги янги ижтимоий-сиёсий шароитда муттасил ижодий-креатив фикрларнинг пайдо бўлиб бориши табиий ҳолат.

Мусо ТОЖИБОЕВ,
Тошкент вилояти, Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

Агар инсон бошқа инсонга яхшилик қилса, унинг қалби хурсандчиликка тўлишига мен аминман.

Томас ЖЕФФЕРСОН

Ma'rifat va ta'lim

2022-yil 21-yanvar,
2-son (28)
E-mail: marifatvatalim.gazetasi@bk.ru

Одам фақат иккита усулда ўрганади, бири ўқиш орқали, иккинчиси эса ақлли одамлар билан суҳбатлашиш орқали.

Карл РОГЕРС

Олий касб эгалари

Ўқитувчилик касби қадим замонлардан буён ёшларга илму зиё тарқатувчи, комил инсонни вояга етказувчи устоз сифатида қадрланиб келинган. Албатта, одам боласи таълим-тарбия, билим ва салоҳият сабаб ҳаётини яхшилик томон ўзгартира олади. Қадимги Оссурия, Месопотамия, Бобил, Миср, Суғдиёна, кейинчалик Туркистон, Ҳинди-Хитой каби қадимий масканларда топилган асори атиқалар, ҳаёт тарзи шуни кўрсатадики, бу мамлакатларда устоз-шогирдлик азалдан шаклланган.

Президентимиз “Жамиятимизда боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, олийгоҳларнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий-ижодий зиёлиларни бугун биз интилаётган Учинчи Ренессанснинг тўрт таянч устуни деб эътироф этмоқдамиз”, деб таъкидлади.

Ўқитувчининг жамиятдаги ўрни ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол руҳда, илмли қилиб тарбиялашда билинади. Шу сабаб, у элнинг эътиборига тушади. Ўсмир-ёшларни жамиятнинг муқим аъзолари сифатида вояга етказар экан, аслида у елкасидаги мажбуриятини бажаради.

Мамлакатимизда ўта замонавий, жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган мактаблар қурилмоқда. Эндиликда шу мактабларга муносиб ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини, малакасини ошириш, дунё таълим тизимидан бохабар этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчи шунчаки “атама” эмас, балки мактабда ўқув жараёнининг ташкилотчиси эканлигини унутмаслик керак. Ўқитувчи дарс пайтида, қўшимча машғулотларда ва ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ўзлаштириш даражасини ўстирадиган даражада ўзи илмли, салоҳиятли бўлиб, шогирдларининг илм олишларида билимлар манбаи бўлмоғи лозим. Синф раҳбари эса тарбия жараёнининг асосий ташкилотчисидир.

Бугун замон талаб этаётганидек, ўқитувчи психолог бўлиши ўта муҳим. У ўқувчилар ўртасида муомала, кийиниш, ўзини тутиш маданиятини, илмга чанқоқликни ўстиришда ўзи ўрнак бўлиши талаб этилади. Шунингдек, ўсмир-ёшларнинг ижтимоий ҳолатларини тўғри таҳлил қилиб, устамонлик билан фойдаланишни билиши зарур.

Мактаб педагогик жамоаси аъзоси бўлган ўқитувчи ҳаётий-фаолиятини соҳага бағишлай олса, у ўзи истаган ютуққа эришади. Турли фан ўқитувчилари бир жамоа бўлиб, мутасадди раҳбарлар ишлаб чиққан методик бирлашмаларни ҳаётга татбиқ этади. Дейлик, ўқитувчи ўқувчи ва уларнинг ота-оналари олдида ўз фанига оид маърузалар қилиб, суҳбатлар уюштиргандагина у педагогик билимлар тарғиботчисига айланади.

Барчамизга маълумки, ўқитувчининг ватанга содиқлиги, миллатпарварлиги, миллат болаларини ўз фарзандидек кўриши, шогирдларини инсонпарварлик руҳида тарбиялаши, ўз юрти, она тили, ўз халқининг тарихи ва унинг маданиятини эъзозлашга, қадрлашга, давлатимизнинг мустақиллик ғоясини онгига сингдиришга қаратилган саъй-ҳаракати устознинг қадр-қимматини оширади.

Унинг зиммасида ўз ўқувчиси учун ижтимоий жавобгарлик масъулияти бор. Устоз буни юракдан ҳис этиши муҳим аҳамиятга эга. У шогирдлари онгига маънавий поклик, маърифий маданиятни сингдириб бориши лозим.

Бугун жамият анча илгарилади. Ўқувчи энди дунё илми билан таниш. Дунё сари интилмоқда. Жаҳоннинг энг нуфузли ўқув даргоҳларида таълим олишни хоҳлайди. Шундай экан, бугунги ўқитувчи ана шу талабга жавоб бера оладиган ўта зукко бўлиши керак. Ўқитувчи шахсни маънавий ва маърифий руҳда, миллий уйғониш, яъни Учинчи Ренессанс мафкурасининг, умуминсоний-миллий меросининг мазмун-моҳиятини билиши, ўқувчиларни мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаши, ватани ва оиласига меҳрли, муҳаббатли, келажаги учун ўзини масъул, деб билиши руҳида тарбиялаши лозим.

Ўқитувчи ўзи дарс берадиган фани соҳасида мустаҳкам билимга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, ўз касби, соҳаси бўйича жаҳон фанида эришилган янги ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлсагина шогирдлари ҳурматига эришади.

Бугунги ўқувчини илмга жалб этишда дарсга ижодий ёндашув, турли таълим қуролларидан, кўргазмалардан унумли фойдаланиш ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишини кучайтиради.

Бугунги ўқитувчи юқоридаги талабларга тўла жавоб бера оладиган бўлиши зарур. Сабаби, ота-оналар ҳам, ватан ҳам фарзандлар фаолиятида ана шу хислатларни кўришни истайди. Устоз сифатида мактаб маъмурияти, ота-оналар, ҳатто ўқувчилар ҳам ундан янгилик кутади.

Демак, ўқитувчи ўз фани бўйича нимадир яратишга интилиши лозим. Энг муҳими, устознинг ўзи ўзидан нимадир кутишининг ўзиёқ муҳим аҳамият касб этади. Мен ўйлайманки, ўқитувчилик — яратувчанликдир.

Психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, халқ таълими мутасаддилари ўқитувчининг хислатларини ҳар хил баҳолашади. Уларнинг таъкидлашича, халқ таълими бўлими мудирлари ўқитувчидан, биринчи навбатда, ўз фанини яхши билишини ва дарс бериш методикасини мукаммал ўзлаштиришни талаб қилса, мактаб директорлари ўқитувчига қўйиладиган бундай талабларни унчалик хуш кўрмайди. Биринчи галда, давомадни сўрайди. Аксинча, халқ таълими бўлими мудирлари ўқитувчиларни ўқувчиларнинг ота-оналари, мактаб жамоаси билан яхши муомалада бўлиши катта аҳамиятга эга эканлигига унчалик эътибор бермайди, мактаб директорлари эса бундай хислатларни биринчи ўринга қўяди.

Энг асосийси, ота-оналар устоздан фарзандларини билимли қилиб тарбиялашда маҳоратли бўлишини истайди. Ўқитувчи, албатта, адолатли, касбини қадрлайдиган, болаларни яхши кўриши, талабчанлиги билан обрў топади. Муҳими, ўз фанини яхши ўзлаштириб, уни ўқувчи онгига етказа билиш қобилияти ҳар бир ўқитувчида бўлиши керак.

Шуни унутмаслик керакки, замонавий таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи шахси ва унинг фаолиятига нисбатан қўйиладиган ижтимоий талаблар ҳам ўсиб бормоқда.

Ҳозирги коронавирус пандемияси шароитида, истаймизми-йўқми, таълим тизими тартибига ўзгаришлар киритиб турилади. Дарс жараёнлари маълум муддат тўхтатилиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай шароитда дарснинг узлуксизлигини таъминлаш ўқитувчидан улкан масъулият талаб этади. У дарслар кечиктирилди, деб ўқувчининг тартибли ўзлаштириш жараёнини тўхтатиб қўя олмайди. Бундай қилишга ҳаққи йўқ.

Шу кунларда Халқ таълими вазирлиги томонидан: “Халқ таълими тизимидаги директор, директорнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда педагог-ўқитувчиларнинг халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқарилган Миллий ўқув дастурлари асосида малакаларини ошириш курсларини ташкил этиш, шунингдек, ўқувчи-ёшлар ўртасида мавсумий грипп касаллигининг кескин кўпайишининг олдини олиш мақсадида қишки таътил кунларини 2022 йил 24 январга қадар узайтирилганини маълум қилди.

Таътил кунлари давомида, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида улар учун онлайн фан олимпиадалар, интеллектуал ўйинлар, китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган беллашувлар ва турли танловлар ташкил этилади.

Бундан ташқари, халқ таълимининг ижтимоий тармоқлари ҳамда Миллий телерадиокомпаниянинг телеканаллари орқали турли тўгараклар фаолияти йўлга қўйилади”, дейилди.

Турган гап, ўқитувчи қолипланган ва ўзгармас стандартлар асосида ишлай олмайди. Яъни, ўқитувчидан ҳар лаҳзада замонавий билимларни эгаллаб бориши, ўз илмини ривожлантириш талаб этилади.

Ўқитувчилик касбига қизиқиш болалигимдан бошланган. Тошкент давлат педагогика университетини тугатиб, Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги 40-мактабда иш фаолиятимни бошладим. 2019 йилдан Тошкент шаҳар, Яшнобод туманидаги 161-мактабда она тили ва адабиёти фанидан дарс бераяпман. Мана шу 10 йил ичида шуни англаб етдимки, ҳамма касблар муҳим, аммо ўқитувчилик барчасидан олий ва шарафли касб экан. Сиз ўқувчига билим бериш баробарида келажак учун билимли, салоҳиятли, иқтидорли кадрларни тайёрлайсиз. Улар эса келажагимиз эгалари, тараққиётимиз давомчиларидир. Демак, ўқитувчининг илм даражаси қанчалик юқори бўлса, шогирдларининг савияси ҳам шунчалик юксак бўлади. Мамлакатимиз истиқболи, тараққиёти учун бизга ана шундай кадрлар жуда керак.

Дилфуза ЭШМУРОДОВА,
Тошкент шаҳар, Яшнобод туманидаги 161-мактабнинг I тоифали ўқитувчиси

ЧИНОРЛАР ҚЎЛ ЧЎЗДИ АЗИМ ТОҒЛАРГА

Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА,
1975 йил 12 январда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида таҳсил олган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.
“Куй, дилим, суйгулим”, “Ойдинлик”, “Айтолмаган сўзларим”, “Оқ хатлар”, “Қоятошим” шеърий тўпламлари нашр қилинган. Ҳозирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлим бошлиғи лавозимида фаолият юритади.

ТАЛҚИН...

Мен шеърман...
Дарди пишиб-пишиб, кечроқ туғилган,
Катта давраларда ўқилмаган шеър.
Ўқилмасимданоқ ёққанинг пинҳон,
Қўшилишиб унсиз ёнди она ер.

Кулим совумасдан, тонгим отмасдан,
Сочиб юборганинг,
Денгизга етдим.
Ва лекин рўй берди, сен кутмаган ҳол,
Қояга урилиб жаранглаб кетдим.

ШОДА-ШОДА БАХТДАН...

Мезон шамолида тоблаб ҳисларни,
Сахий куз йўл солди чанқоқ боғларга.
Юртма-юрт учириб мовий қушларни,
Чинорлар қўл чўзди азим тоғларга.

Орзулар қизарди анорюз бўлиб,
Умидлар жой олди ҳилол ёнидан.
Ариқлар оқдилар ўпкаси тўлиб,
Олмалар ранг олди кўнгил қонидан.

Шода-шода бахтдан эгилди шохлар,
Булутлар ташрифи энди ғам бўлмас.
Илҳом булоқлари қайнаган маҳал,
Ноклардек тўкилиш — шоирга ҳавас.

Дунёни тутмоқда япроқлар ҳиди,
Юлдузлар кўзида сирли ийманиш.
Бу оқшом, ғарқ пишган сатрлар аро
Заминга виқор-ла мамнун боқар қиш...

ЮРАГИМНИ ҚОРЛАРГА БОСДИМ

Тун хобини очиб қуёшни қучдим,
Ёшлигим ёмғирни кечди энтикиб.
Шамоллар эдилар ниҳолим бўйин,
Илк баҳор тошларга қўйгандим экиб....

Умидимни сочсам изларингизга,
Минг йил оят ўқиб сизни қилсам ёд.
Тилимни куйдирган сўзларингиздан —
Ёшлигим тонгида тўкилган фарёд.

Англадим,
Кулбамга тушмас йўлингиз,
Ўчиб кетса, ёддан ўт мисол изим.
Минг йил ўтар, балки, тилаб васлингиз,
Толмас қаро кўзим, толмас оқ кўзим.

Кечирим сўранг Сиз, ўтган тунлардан,
Кечирим сўрай Мен, ўтмас кунлардан.
Сизнинг бахтингизни асрамоқ учун,
Бахтимга оғулар тутдим унлардан.

Тилимлаб-тилимлаб, мурғак жонимни,
Бокира тонгларнинг кўксига осдим.
Хаёлим Сиз томон чорласа такрор,
Кафтимни саксовул чўғига босдим.

Босдим, юрагимни қорларга босдим,
Мен Сиздан ўзимни совутайин деб.
Нетайки, унданда баттар исидим,
Золим кўнглингизнинг музларини еб.

БАҲОРГИНАМ...

Ниҳол эдим,
Қор устида сўлиб, тирилдим,
Ўт ичидан сенинг ёнмай ўтишларинг бор.
Шамол эсмай титраб кетар гул япроқларим,
Юзинг буриб, осон кечиб кетишларинг бор.
Ой нурида исинганда Ишқнинг қўллари,
Туюларми, жароҳатим битаётгандай?..
Туюларми вале менга ҳар лаҳза, ҳар он
Сен кўчамдан мени излаб ўтаётгандай.
Изсиз кетдинг, юрагимда тинмай ёмғирлар,
Тополмадим, сени минг йил кечиб ғамларни.
Тор кўчада,
Мени минг йил йиғлатдингми зор,
Туш кўрдингми, кўкка учган сархуш дамларни?
Нечун келдинг,
Нечун кетдинг,
Нечун йиғлатдинг,
Боғларингда гулламоққа арзитмадинг, ёр?
Юрагимга бевақт келиб, кўз очирмаган
Бўронларга тоб бермадинг, бас келмадинг, ёр?
Ёмғир бўлсам,
Шамол бўлсам,
Ёки тош бўлсам,
Мазлумларнинг кўзидаги уйғоқ ёш бўлсам,
Қисматимдан фол очгувчи бийрон қушларнинг
Тилларидан тўкилмаган сир, бардош бўлсам,
Осон бўлармиди мен ҳам кечмоғим сендан?...
Баҳоргинам....
Баҳоргинам....
Баҳоргинам....

ҚАЙСИ БИР ҲИКМАТИНГ

Бунча ҳикматларинг жумбоқли, дунё,
Ечолмай кўзёшим оқади дув-дув.
Ўз боласи қолиб, қай бир шогирди
Устозин оғзига томизаркан сув.

Қайси бир ҳикматинг, қай бир ҳасратинг,
Куйга солсам, фақат ингайверар соз.
Бу қандай ибратдир, қандай буюк шон,
Туриб шогирдига жой берса устоз.

МУҲАББАТ

Юлдуздек сочилдим, болдек йиғилдим,
Шабнамдек қизғалдоқ кўксига индим,
Гуноҳга ботдим мен, сенга сиғиндим,
Тирноғимни этдан юлдинг, муҳаббат.

Сарғайган хатларда юз очар оқ гул,
Ўшал гул атридан сархушдир кўнгил.
Оҳ, бунча қоронғу сен кўрсатган йўл,
Товонимни тузлаб тилдинг, муҳаббат.

Булбул ноласига наво бўлганим,
Тошлар кўчкисига садо бўлганим,
Омон-омон десам, адо бўлганим,
Бевақт ўлим каби келдинг, муҳаббат.

Исмимдан, жисмимдан фароғат кетти,
Менга ситам, сенга саодат етти,
Тангрим, қай аҳдимни ижобат этти,
Бир кўрмай, бегона бўлдинг, муҳаббат.

ЎЗ ВАҚТИДА КЕЛДИНГ...

Ўйлар изн бермас,
Йиғламоқ учун,
Яшаш асли гуноҳ
Сени ўйламай.
Муҳаббатнинг қора
Изтиробини
Кўзларингдан тўйиб
Ичмоққа мен шай.
Сув келтирмас ҳеч ким,
Ўчирмас ўтни,
Океанлар чайқалар,
Тошмоқ қасдида.
Ҳақиқат излару
Ёлғонлар ичра,
Дунё ҳолимиздан,
Кулар аслида.
Баҳор кетмай туриб
Боғлар сўлмоқчи,
Қушлар ҳам кетмоқчи
Ўзга юртларга.
Тераклар бошини
Ёз тўполони
Эгиб, ем қилмоқчи
Қуртларга.
Ва ле сен,
Занжирларни уздинг,
Деворни буздинг.
Кўчирдинг,
Тоғдаги оппоқ қорларни
Илк бора юракка қўйдинггу қадам.
Сийладинг меҳрга зор дунёларни.
Ўз вақтида келдинг,
Кутилган одам.

СЕН ЎЙЛАМА...

Сен ўйлама, энди у бу йўлдан ўтмайди, деб,
Чеккан ғам-андуҳларим уволи тутмайди, деб.
Ким айтар, шафқатсиз деб, худо суйган кўнглимни,
Қайтиб қўлим узатсам юлдузга етмайди, деб.

Фиғоним фалак бўлса, йўл топмай йўлимда гоҳ,
Саҳро келса, тоғ келса, титраган гулимда гоҳ.
Кимларнидир худойим йўлимга зор қаратмиш,
Сени деб жон талашдим, ўтимда, кулимда гоҳ.

Тоқ булбулнинг оҳидан изҳоримни билмассан,
Бунча бахтга ўчсан-ай, мен деб юрак тилмассан.
Сархуш учинг келар ишқнинг олтин арғамчисида,
Ва ле мендек ишқ йўлида йиғлаб сажда қилмассан.

Дилга ғусса тўлганда ҳам, шўху шодон кулгайман,
Ишқингда ғам чекиб-чекиб, тўлин ойдек тўлгайман,
Лек, афсус чекмагайман, оҳ, тўккан кўзёшларимга,
Қисматнинг доғ ёзуғига шаҳд-ла рози бўлгайман.

Куйласам, куйлар тилим — қуш тилим, осмон тилим,
Ишқнинг алангасидан чиқмас зарра қалб кулим.
Фиғонимга қўшилишиб ёниб борар дарёлар,
Тоғлар ортин кўзлаганман, чорлар муҳаббат йўлим.

Сен ўйлама, Фароғат,
Бу йўлдан ўтмайди деб...

БАХШИ ҚИЗНИНГ ҚЎШИҒИ

Ўртамизда оққан дарё тошқин экан, тошқин экан,
Қирғоғида эсган шамол шошқин экан, шошқин экан.
Дўмбирамни куйга солиб, тўлқинларга нола қилсам,
Тун ярмидан ошган экан, ошган экан, ошган экан.

Бошгинамдан юлдуз ёғди, этаккинам тўлгунича,
Сой бўйида оқ ялпизлар кулгунича, кулгунича,
Ишқдан куйган қора кўнглим, тун кафтида оқарарми?:
Ўлмоғини афзал билиб, ёрдин жудо бўлгунича.

Ҳур қизларнинг асли эдим, қолди зулмат ичра олам,
Зўр қизларнинг асли эдим, заҳардан-да аччиқ жолам,
Эр йигитлар сараси деб, йўлаганим, жонга жафо,
Эр қизларнинг асли эдим, қилсин алам, қилсин алам.

Тошни отсам тошга тегар, сув юзидан сузиб ўтиб,
Ёрижоним, бахтлимикан, ишқсиз, бағритошга етиб?
Бахтдан масрур боқармикан, бахтимнинг оқ кемасига,
Орзуларим тўғонини бузиб кетиб, бузиб кетиб?...

Тоғда тойчоқ кишнаганда, ётлар билан кетгувчи ёр,
Тўқсон томир титратгувчи додлар билан ўтгувчи ёр,
Нигоҳлари сирларини ошкор этиб, гўшангага
Карвон-карвон азоб ортган отлар билан етгувчи ёр?...

Ўртамизда оққан дарё тошқин экан, тошқин экан...

СЕВМАГАН БЎЛСАМ...

Куз шохларга қизил япроқ тақмаса,
Қувонч қучоқ очса, ғамлар боқмаса,
Дилни ёққанингиз, дилга ёқмаса,
Қанийди, мен сизни севмаган бўлсам.

Пешонамда беун суймоқ бор экан,
Қаҳрингиз ўтида куймоқ бор экан,
Ситамлардан қувонч туймоқ бор экан,
Қанийди, мен сизни севмаган бўлсам.

Тўзғиб хаёлингиз, бўрондай кезсам,
Фароғат топсаму, тинчингиз бузсам,
Бу жон узилмасдан умидим узсам,
Қанийди, мен сизни севмаган бўлсам.

Кун келиб,
тантана қилгай адолат,
Муҳаббат нафратдан олгай ҳарорат.
Ўз бошига савдо солгай Фароғат:
— Қанийди, мен сизни севмаган бўлсам.

БУЮК УЧРАШУВ

Сен келмадинг,
Мен ҳам бормадим,
Шундай кечди юраклар жангги.
Дудоғлари титраб қорайди,
Боғ қўйнида севгимиз тонги.

Ой кўксига бош қўйиб ғамнок,
Дейсан, севги ҳаётмас, ўлим.
Мен-чи, ойдан олисга кетдим,
Тушмасин деб сен томон йўлим.

Лекин, асл ҳақиқат тунлар —
Юракларга соларкан ғулу.
Бизни кутар олдинда интиқ
Биз кутмаган буюк учрашув.

ҲАҚИҚАТ

Мен ҳеч нарса қилолмадим шу —
Чакалакзор дунёни кезиб.
Кўмар мозор тополмадим шу —
Юрагимни севгимдан узиб.
Ҳақиқат,
Лой йўлларинг аро,
Соя борми аёл бошимга?
Сиғмаяпсан сен осмон қадар,
Телба йигирма беш ёшимга.
Йигирма беш йилки ортингдан,
Кўкрак кериб боролмадим мен.
Сен меҳробим,
Сен илтижойим,
Лек сенга дард ёролмадим мен.
Йўлсиз ботқоқ кечдим тентираб,
Аччиқ шароб тутганди ҳаёт.
Балки, ўзимдан мен кечганман,
Сендан кечолмасман Ҳақиқат.
Тутгим келди қўлларингдан-о,
Лек, қўлимдан келмас ҳеч нарса.
Айирмагин йўлларингдан-о,
Оёқларим қайга йўл олса.
Тақдиримни сенга топширдим,
Ва қайтмасман айтар сўзимдан.
Не қилсанг ҳам сен қил, Ҳақиқат,
Фақат мени қутқар ўзимдан.
Не қилсанг ҳам сен қил Ҳақиқат...

Кўрдимки, вақтини “эссиз”, “қанийди”, “кошки”лар билан ўтказган кишининг умри энг қисқа экан.

Нажмиддин КУБРО

Агар биз жисмоний тарбия ва спорт тарихига назар ташлайдиган бўлсак, спорт кишилик жамияти пайдо бўлганидан, то ҳозирги кунгача сақланиб келаётган турли ҳаракатли ўйинлар, беллашувлар, мусобақалар кўринишида етиб келгани маълум бўлади. Археологик қазилмалар, қўрғон ва ғорларда сақланиб қолган расмларда сузувчи, югурувчи, найза отувчилар, ўқ-ёй отувчилар, отда югурувчилар ва курашчи-жангчилар аниқ-равшан тасвирланган.

Спорт

МАШҒУЛОТ ОҒИР, АММО НАТИЖАСИ ЮКСАК

Ўйинлар кишиларнинг меҳнат маданияти пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосига айланган тарихий босқичда вужудга келган. Аждодларимиз юксак маданиятни вужудга келтиргунча оғир йўлни босиб ўтганлар. Бу эса улардан жисмонан бақувват бўлишни талаб қилган. 3-4 минг йиллар олдин яшаган ота-боболаримиз фарзандларини югуриш, чавондозлик, камондан ўқ узиш, кураш каби ҳарбий-спорт ўйинлари орқали чиниқтирган.

Ибтидоий тузумда болаларни тарбиялашнинг характерли жиҳати уларни уруғнинг урф-одатлари, анъаналари, тарихи билан, шунингдек, халқ оғзаки ижоди: ривоятлар, қўшиқлар ва рақслар билан таништиришдан иборат бўлган. Ёшлар ўша вақтларда мавжуд оддий меҳнат қуролларини ясаш ва ишлатишни, ёввойи ҳайвонлардан қандай сақланиш кераклигини катталардан ўрганган.

Ўзбек халқ миллий ўйинлари жуда қадимдан ўйнаб келинаётган тимсол бўлиб, унга ота-боболаримиз катта эътибор билан қараганлар. Табобат илмининг буюк намояндаларидан бири Абу Али ибн Сино ўз даврида тана саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлашда, касалликларнинг олдини олиш беморларни доридармон билан эмас, балки жисмоний машқлар ёрдамида даволовчи "Дорун-шифо"ни қурдирган. Тарихий манбалардан маълумки, Амир Темур ўз замонасининг тенгсиз найзабози, қиличбози, камончиси, чавандози, курашчиси эди. Хусусан, Соҳибқирон бобомиз болалигидан чуқур билим эгаллаш баробарида жисмоний машқлар билан жиддий шуғулланиб, ўз замонасининг энг кучли ва баркамол кишиси бўлиб етишган.



Халқ ўйинлари ўзининг вужудга келиши ва ривожланишига кўра ғайриоддий ҳодиса эмас, балки халқнинг ҳаётини акс эттирадиган ва жамият тараққиёти қонунларига ҳамоҳанг белгиланадиган фаолиятдир. Халқ ўйинлари қадим замонлардан кишиларнинг ҳаёт тарзини, орзу-армонларини, маънавий-маърифий, эстетик дунёқарашини мужассамлаштирган ҳолда шу кунимизга қадар ўсиб, мазмун мақсадига кўра такомиллашиб, бизгача етиб келган. Бошқа санъат турларидан фарқли ўлароқ ўйинларда халқ руҳияти, миллий тимсоли ёрқин акс этган.

Ўзбек халқ ўйинлари эрамизгача бўлган даврларда вужудга келган. Буни археологик қазилмалар ва қадимги Рим ёзувчиси Элианнинг этнографик материаллари ҳам тасдиқлайди. Чунки уларда саклар қабиласида ўйин-мусобақалар жуда кенг тарқалгани ва улар халқнинг севимли одати бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Унинг гувоҳлик беришича, саклар қабиласининг йигитлари ана шу ўйин-мусобақаларда ўзлари енган қизларга уйланиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Хар бир халқнинг ўзига хос ва ўзи учун севимли спорт тури, шунингдек, ҳаракатли ўйинлари бўлади. Ўзбекистонда фарғонача ва бухороча қоидаларга асосланган курашнинг икки тури ҳамда улоқ, чавгон, лочин билан ов қилиш, камонда ўқ отиш сингари миллий ўйинлар мавжуд. Миллий халқ ўйинлари орасида, айниқса, қадимий дорбозлик ва симбозлик санъати алоҳида ажралиб турган.

Жисмоний машқлар билан доимий шуғулланиб, ундан тўғри фойдаланилса, у кишида кузатувчанлик, топағонлик, ўзини тута билиш каби ижобий сифатларни ҳамда бўлажак спортчига хос бўлган қатъиятлик, мақсадга интилиш, мардлик сингари иродавий сифатларнинг ривожланишига катта ёрдам беради. Бундан ташқари, жисмоний машқлар ўсиб келаётган ёш организмнинг ҳар томонлама ривожланишига кучли таъсир кўрсатиб, чаққонлик, кучлилик, мувозанат сақлаш, эгилувчанлик, тезлик ва чидамкорликни тарбиялайди.

Ҳаракатли ўйинлар ўқувчиларнинг ҳаракатга бўлган барча эҳтиёжларини қондиради, сабаби — турли-туман ҳаракатлар фақат шу ўйинлардагина мавжуд. Ҳаракатли ўйинлар билан амалда доимий қатнашиб юрганлар турли касалликларга чалинмайди, уларда ўқиш ва меҳнатга нисбатан маъсулият шаклланади. Ҳаракатли ўйинлар организмнинг барча аъзоларига: юрак-қон айланиш, нафас олиш ва бошқа тизимларга, модда алмашинувига, ички секреция безларининг фаолиятига самарали таъсир кўрсатади. Ҳаракатли ўйинларнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, улар кишига кўтаринки руҳ бағишлаши билан бирга, улардаги чарчоқ ва ҳорғинлик ҳиссини бартараф этади. Ҳаракатли ўйинлар дўстлар бир-бирларини яхши билиб олишлари, сабр-қаноатли бўлишларига, қўллаб-қувватлашларига, оғир дамларда ёрдам беришга ўргатади, ғалаба ва мағлубиятларга тўғри муносабатда бўлиш, одоб-ахлоқли бўлиб тарбияланишлари учун муҳим восита ҳамдир.

Миллий ўйинлар болалар қалбида ўз юртига, шаҳрига, қишлоғига, маҳалласига, табиатга муҳаббат уйғотади, ҳурмат ва эҳтиром ҳисларини, миллий ғурурни тарбиялайди. Халқимизнинг миллий маданиятига, ўтмишига, анъана ва қадриятларига меҳр уйғотади. Сўз жисмоний машқлар тўғрисида борар экан, ундан кўзда тутилган мақсад битта, у ҳам бўлса, машқларни иштиёқ ва ҳафсала билан, белгиланган миқдорга қатъий амал қилган ҳолда, мунтазам равишда бажариш лозим.

"Болалар дунёси — ўйинлар дунёси", дейилиши бежизга эмас. Уларнинг фаол дам олишлари асосан ўйин билан боғлиқ кечади. Ўйин ёрдамида бола ҳаётга тайёрланади.

Ҳар бир халқнинг маданий бойликлари хазинасига миллий ўйинлари ҳам киради. Ҳаракатли ўйинлар бола организмининг комплекс ривожланишига, болаларда жамоавийлик, ҳамжиҳатлик туйғуларини шакллантиришга ёрдам беради.

Маълумки, ҳар бир ўйиннинг ўз тартиб-қоидалари бор. Бу эса ўқувчини интизомга ўргатади, маъсулиятли қилади. Ҳаракатли ўйинларнинг жисмоний сифатларни ривожлантириш хусусияти билан бирга, унинг тарбияловчи хусусияти ҳам мавжуддир. Баъзида шундай бўладики, ҳеч кимга қўшилмайдиган, одамови, бўш, тортинчоқ, уятчанг болалар кўпчиликка қўшилиб, ўйинларга киришиб кетадилар. Ҳаракатли ўйинлардаги завқ-шавқ, кўтаринки руҳ тортинчоқ болаларни ҳам кўз илғамас яхши томонларини кўрсатиб, фаоллар сафига қўшади.

Мактаб дарсларида ҳаракатли ўйинлар гимнастика, енгил атлетика, кросс тайёргарлик кўриш билан уйғунликда олиб борилади. Ўйинлар дарслар аро ва узайтирилган танаффуслар, мактабда ўтказиладиган байрамлар ва бошқа тадбирларда ҳам ташкил этилиши мумкин. Ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбия дарсларида ҳосил қилинган ҳаракат кўникмаларини такомиллаштириб, уларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шерзод ТУРОБЖОНОВ,
Тошкент шаҳридаги
156-мактабнинг жисмоний
тарбия метод
бирлашма раиси

Олий ўқув юрти талабаси А.Б. (қоидага биноан ўқиш жойи айтилмади, исми шарифи ҳам тўлиқ эмас) нима бало бўлди-ю, ёки уни бирор ким йўлдан урдими, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида Шайхонтоҳур туманида жойлашган "Нажот таълим" ўқув марказининг синф хонасига кирди. У ерда бошқа бир фуқарога тегишли баҳоси 3.500.000 сўмлик ноутбукни ўғирлаб, воқеа жойидан яширинди.

Мўмай, аммо текин пул ёқиб тушди шекилли, А.Б. ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, яна ўғирликка қўл уради. Тумандаги "PDP ACADEMY" ўқув маркази ўқув хонасида бўла туриб, ушбу марказда таҳсил олувчи К.Д.га тегишли бўлган бир дона баҳоси 15.000.000 сўмлик "Asus Tuf Gaming" ҳамда Э.Д.га тегишли бўлган бир дона баҳоси 7.000.000 сўмлик "Lenovo" номли ноутбукларни "киши билмас" қабилида гумдон қилиб, воқеа жойидан ғойиб бўлади.

"Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас", деганларидек, А.Б. ўзининг жиноий ҳаракатларини яна давом эттирди. Ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш ниятида бу гал Олмазор туманидаги "SetApp" МЧЖга қарашли ўқув маркази хонасига кириб, стол устида турган Н.Г.га тегишли нархи 750 АҚШ долларига тенг бўлган "DELL" русумли ноутбукни ўғирлади.

Аммо ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди. А.Б. ҳам суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор бўлди. Афсуски, жабрланувчиларга етказилган зарар оила аъзолари томонидан қопланди. Фарзанд ноқобил бўлса ҳам ёмон. Оила бюджетига турган-битгани зиён.

Айбдор кўзларига ёш олиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканини айтиб, суддан ўзига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа енгилроқ жазо тайинлашни ялиниб сўради. Аммо...

Начора, жиноятга қўл урдингми, энди чида-да. Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг "а" банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Талабалик эса ҳавога соврулди...

Жамолиддин НАЖИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Олмазор туман суди судьяси

ОМАДИНГ КЕЛИБ ҚОЛСА

Сенга омад келса гар,
Билгин унга сен заргар.
Ушламоқ керак шу он
Ва бўл унга ҳукмрон.

Ота-онанг ҳурмат қил,
Кибрдан нарида юр.
Дўстларни назарга ил,
Омадинг келиб қолса.

Атрофга ҳам назар сол,
Ўқиб, ишла, билим ол.
Ризқингни ҳам териб қол
Омадинг келиб қолса.

Кўча-кўйда юрмагин,
Сандирағлаб кетмагин.
Ногарни унутмагин
Омадинг келиб қолса.

Ҳаётга сен кулиб боқ,
Йўлинг ҳам бўлади оқ.
Енгилар, қулар ҳар тоғ
Омадинг келиб қолса.

Манманликка берилма,
Кўкрак кериб керилма.
Ёмон бўлиб кўринма
Омадинг келиб қолса.

Омад асли бир синов,
Сезилмас йўлингда ғов.
Кетсанг ўзингдан бироқ,
Омад тарк этар шу чоқ.

Гулчеҳра НАЗАРОВА,
Андижон вилояти, Шаҳрихон туманидаги
22-мактаб ўқитувчиси

Тарих ва бугун

Қўқон шаҳри, Худоёрхон саройи, 1871 йил.

Қўқон шаҳри, Хон саройи, 2021 йил.

Ma'rifat va ta'lim
Ijtimoiy, madaniy-ma'rifiy, ta'limga ixtisoslashgan gazeta
МУАССИС: "MA'RIFAT OLAMI" МЧЖ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Усмон АЗИМ (таҳрир ҳайъати раиси), Абдуқодир ТОШҚУЛОВ, Минҳожиддин МИРЗО, Эркинжон ТУРДИМОВ, Тўра БОБОЛОВ, Илҳом САПАРОВ, Алишер ДЖУМАЕВ, Тоштемир ТУРДИЕВ, Равшан НАМАЗОВ, Мавлуда ҚОБИЛОВА

Бош муҳаррир Соатмўмин ЖУМАЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2021 йил 7 апрелда №1171 рақами билан рўйхатга олинган.

E-mail: marifatvatalim.gazetasi@bk.ru

НАШР ИНДЕКСИ — 427

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетадан кўчириб босилганда "Ma'rifat va ta'lim"дан олингани кўрсатилиши шарт.
Газетада эълон қилинган материаллардаги фактлар учун муаллиф жавоб беради.
Қоғоз бичими А-2. Ҳажми 4 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

Нашр учун масъул: Юсуф ЖЎРАЕВ

Саҳифаловчи: Қайсар РАҲМАНОВ

Таҳририят манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй,
Телефонлар: 0 (371)-244-33-82, +99893-508-55-57, +99890-327-88-27

Газета "ШАРҚ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмахонага топшириш вақти — 20.00
Топширилди — 19.45.
Адади — 5500.
Буюртма Г - 145
1 2 3 4 5 6